

ҚОВУН САЙЛЛАРИ ТАРИХИ – КЕЧА ВА БУГУН

Мўминжон Сулаймонов,
НамДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси
доценти, филология фанлари номзоди.
e-mail:msulaymon62@mail.ru

Ҳавасхон Солихўжаева,
НамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси
доценти, филология бўйича фалсафа фанлари доктори.
e-mail: solihodjayevaxavasxon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқимиз томонидан кенг нишонланиб келинаётган қовун сайлларининг турлари, ўзига хос хусусиятлари жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, уларни ташкил этиши, ўтказиши масалалари, оиласвий, жамоавий ҳамда расмий тарзда ташкил этиладиган қовун сайлларининг вақти, аҳамияти тўғрисида асосли ва қизиқарли маълумотлар келтирилган. Хусусан, қовун сайллари тарихи – кеча ва бугунги кун мисолида батафсил ёритиб берилган.

Калит сўзлар: байрам, мавсумий байрамлар, мавсумий сайллар, халқ сайллари, қовун сайли.

ИСТОРИЯ СБОРА ДЫНИ – ВЧЕРА И СЕГОДНЯ

Моминжон Сулайманов,
Кафедра узбекской литературы НамГУ
доцент, кандидат филологических наук.
e-mail:msulaymon62@mail.ru

Ҳавасхон Солиходжаева,
Кафедра узбекского языкоznания НамГУ
доцент, доктор философских наук.
электронная почта: solihodjaevaxavasxon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье представлены обоснованные и интересные сведения о широко отмечаемых нашим народом видах праздников дынь, их особенностях, о месте и значении этих праздников в жизни общества, о вопросах организации и проведении, о времени и значении семейных, общественных и официальных видов этих праздников. В частности, история праздников дынь раскрыта с точки зрения прошлого и современности.

Ключевые слова: Праздник, сезонный праздник, сезонные гулянья, народные гулянья, праздник дынь.

HISTORY OF MELON PICKING - YESTERDAY AND TODAY

Mominjon Sulaymanov,

Department of Uzbek Literature of NamSU
associate professor, candidate of philological sciences.

Havaskhan Solikho'jaeva,

e-mail:msulaymon62@mail.ru

Department of Uzbek Linguistics of NamSU
associate professor, doctor of philosophy in philology.

Email: solihodjayevaxavasxon@gmail.com

ABSTRACT

The article contains reasonable and interesting information about the types of melon selections widely celebrated by our people, their special features, their place and importance in the life of society, issues of their organization and holding, the time and importance of family, collective and official melon selections. In particular, the history of melon picking - yesterday and today is explained in detail.

Key words: holiday, sayil, seasonal holidays, seasonal sayils, national sayils, melon sayil.

КИРИШ

Қадимий ва навқирон юртимизнинг миллий байрамлари таркибида ўзбек миллатининг ўзига хос миллий қадрятларини мужассам этган сайллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг байрамлардан фарқли хусусияти – маҳсус нишонланадиган саналар билан боғлиқ эмаслигидир. Яъни, айrim сайллар миллий байрамларнинг таркибий қисми сифатида маълум бир байрамнинг мазмун-моҳиятини бойитиш, нишонланиш ареалини кенгайтириш, миллий урфодат, анъана ва қадрятларини музассам этиш каби мақсадларда ўтказилади. Наврӯз сайли, сумалак сайли сингари кўплаб сайллар шулар жумласидандир. Шунингдек, ўзбек миллий сайлларининг катта қисмини мавсумий сайллар ташкил этган бўлиб, уларни уюштириш байрамлар билан эмас, балки маълум бир мавсум, фасллар билан боғлиқдир. Масалан, қовун сайли, анор сайли узум, беҳи гули, бодом гули сайли кабилар.

Айни кунларда ҳам бундай сайллар тез-тез ўтказилияпти ва оммалашяпти. Халқ сайллари ҳақида ҳозирга қадар ўзбек элшунос ва маданиятшунос

олимлари томонидан ўрганилган ҳамда бир неча рисола, монография ва китоблар ёзилган, катта тражларда нашр қилинди.

Манбаларни ўрганишимиз натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, юртимизда айни кунларда 30дан ортиқ ҳалқ сайллари ўтказилиб келинмоқда. Мазкур масала ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳалқ сайлларини ҳар хил томондан турларга бўлганлар. Масалан, мазмун-моҳиятига қўра, фаслларга боғлиқ ҳолди номлаганлар. Шулардан, ёз фаслида бўладиган сайллардан бири қовун сайли муҳим аҳамиятга эга¹.

Қовун сайли боғ-роғларда, полизларда, аҳоли истиқомат қиласиган ҳудуд марказларида ўтказилган. Ўзига хос қўргазмалар қилинган, мусобақалар ташкил этилган ва ғолибларни мукофотлаб, томоша ва сайиллар уюштирилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қовун сайли жуда қадим замонларда ҳам ўтказилганлиги тўғрисида бир неча манбаларда қимматли маълумотлар бизга қадар етиб келган. Бу ўринда буюк ватандошимиз машхур давлат арбоби, ижодкор ва жаҳонгир Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида қизиқарли далилларни ўқиймиз, жумладан, бу буюк асарда “... қовун маҳали полиз бошида қовун сотиш расм эмастур...”² деб ёзилган. Мазкур маълумот қовун сайли Бобуршоҳ замонларида ҳам оммавий равишда ўтказилганлигини билдиради. Муаллиф “қовун маҳали” деганда айнан қовун сайлини назарда тутган, десак, муболага эмас.

Элшунос олим Усмонжон Қорабоевнинг “Ўзбек ҳалқ байрамлар” китобида ҳалқ сайллари, жумладан, қовун сайли ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёритилган³. Филология фанлари доктори Султонмурод Олимнинг “Байрамларимиз” китобидан ҳам қадимий ва навқирон байрамларимиз тўғрисида қизиқарлили маълумотлар берилган.⁴

Ўзбекистон миллий энцикілопедиясида, шунингдек, ахборотчиларнинг маълумотларида, матбуот нашрларида эълон қилинган мақола ва хабарларда, интернет манбааларида ҳам жуда кўп қизиқарли ҳамда қимматли фикр-мулоҳазалар баён қилинганлигини гувоҳи бўлдик.

¹ Эслатиб ўтиш лозим Ўзбек ҳалқи байрамларини тадқиқ этган олим Усмон Қорабоев қовун сайлини куз фаслида ўтказиладиган сайллар қаторида тилга олган. Қорабоев, У. Ўзбек ҳалқи байрамлари./Масъул мухаррир: С. ОЛИМ. “ШАРҚ” НМАК бош таҳририяти. – Тошкент: 2002. 104-105- 6.

² Бобур, Захириддин Мухаммад.. Бобурнома. – Тошкент: 2002 . – 45 бет.

³ Қорабоев, У. Ўзбек ҳалқи байрамлари./Масъул мухаррир: С. ОЛИМ. “ШАРҚ” НМАК бош таҳририяти. – Тошкент:2002. 104-105- 6.

⁴ Олим, Султонмурод. Байрамларимиз. “Маънаият”. – Тошкент: 2008. – 200 б.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мавзуни ёритишида қиёсий-типлогик, тарихий-қиёсий ва герменевтик тадқиқот усуслардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги даврларда ўтказиладиган қовун сайлларида ҳам иштирокчиларга қовун сўйиб тарқатилади, меҳмон қилинади. Тадбир тугаганда меҳмонларга қариндош-уруғларга, тадбирга кела олмаган кексалар ва беморларга қовунлар бериб юборилади.

Наманган вилоятининг аксарият худудларида, жумладан, Чорток, Янгиқўргон туманларида яшовчи деҳқонлар ҳосилни йигиб олишганда, айниқса, буғдой ҳосили олинган пайтда кекса кишиларга алоҳида улуш ажратадилар ва олиб бориб берадилар. Бу улушни кўпинча насиба, маҳсус атама билан “капсан” деб аталади. Шу маънода ҳосилнинг мўл-кўл бўлиши учун ўтказиладиган тадбирлардан бири бўлмиш қовун сайлида ҳам капсан тарқатиш савоб ишларнинг бири сифатида қадрланган.

Биз ёшлигимизда ҳам дала шийпонларида қовун сайллари ташкил этилар эди. Колхоз аъзоларидан бири, албатта, ҳар йили қовун экиб юқори ҳосил етиширадиган миришкор деҳқонга ёки бир неча деҳқонларга маҳсус экин майдони ажратилган. Улар эрта баҳорда қовун экишган. Ҳосил етилиб пишганда, юқорида таъкидлаганимиздек, қовун сайли белгиланган. Бу, аввало, жамоа хўжалиги экин майдонидан фойдаланганлиги сабабли ҳамма аъзоларнинг қовун-тарвузга оғзи тегсин, деган маънода ташкил қилинган. Айrim ҳолларда кохознинг экин майдонларидан давлат тайёрлов идораларига топшириш, хўжаликка фойда келтириш мақсадида ҳам қовун-тарвуз экилган. Ҳар қандай шароитда элнинг оғзи тегсин деган маънода катта тадбирлар уюштирилган. Бу анъанавий тадбирнинг хайрли жиҳатлари бир қанча бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Мустақиллик даврида ўтказилаётган қовун сайллари билан собиқ иттифоқ даврида ўтказилган қовун сайлларининг анчагина фарқи бор. Юртимиз Мустақил бўлган колхоз-совхозлар тутатилиб, экин майдонлари ҳакиқий эгалари миришкор деҳқонларга берилгач, режа бажариш учун маҳсус кўрсатмалар асосида экин экишга чек қўйилди. Натижада аҳолининг дастурхонини тўкин-сочин қиласидиган озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, қовун-тарвузлар ҳам фақат чўл-дашт зоналаридагина экилмай, кўплаб худудларда экиладиган бўлди. Шу сабабли дастурхонлар доим тўкин-сочин. Ҳосил байрамлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмалари ўтказилмоқда.

Қовун сайлларини ўтказилиш ареалига кўра қуидаги турларга бўлиш мумкин.

1. Оилавий қовун сайли.
2. Жамоавий қовун сайли.
3. Туман миқёсида ўтказиладиган қовун сайллари;
4. Вилоят миқёсида ўтказиладиган қовун сайллари;
5. Республика миқёсида ўтказиладиган қовун сайллари.
6. Халқаро миқёсида ўтказиладиган қовун сайллари;

Оилавий ва жамоавий ўтказиладиган қовун сайлларини умумлаштириб анъанавий-ихтиёрий қовун сайллари, десак, маъкул бўларди, бизнингча. Бошқаларини эса расмий равишда ўтказиладиган қовун сайллари, деб умумлаштириш ўринли.

Оилавий қовун сайли бир оила ёки қариндош-уруғлар ўртасида қадимдан анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. Қовун етиштиришда номи чиқсан, миришкор бўлган бир деҳқон ҳар йил маълум майдонга қовун-тарвуз экади. Қовунлари пишган маҳалда оила аъзоларини ва қариндош-уруғларини полизга ёки хонадонига таклиф қилган. Шу куни қовун-тарвузлар сўйиб меҳмонлар сийланган.

Тадқиқотлар давомида бир неча ахборотчилардан оиласида ўтказилган қовун сайллари ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзиб олдик. Шулардан бири Наманган вилояти Чорток туман Гулшан шаҳарчасида истиқомат қилувчи 75 ёшли меҳнат фахрийси Абдужаббор Ҳамроқулов қуидагича ҳикоя қиласи: “Отамиз Абдуназар Ҳамроқулов Чорток туман Сарой қишлоғида яшаганлар, ҳар йили қовун экардилар. Ҳосил пишган пайтда оила аъзоларимизни, қўни-қўшниларни, қариндош-уруғларни чақириб, қовун сайли қилиб берардилар. Бу катта оилавий байрамга айланиб кетарди. Ҳар йили, албатта, қўй сўйилар эди. Қозонларда шўрва пиширилган ва палов дамланган. Сайлга келганларни қовун сўйиб меҳмон қилинган. Сайл охирида кексаларга, сайлга кела олмаганларга насиба сифатида қовунлар бериб юорилган”⁵.

Қорақалпоғистонлик ахборотчимиз Қорақалпоғистонда Республикаси халқ ўқитувчиси, 62 ёшли меҳнат фахрийси Санобар Хўжамуротова қовун етиштириш ҳамда қовун сайли, бу тадбирларда айтиладиган лапарлар ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашди: “Қадимдан Хоразм воҳасида қонунчилик ривожланган бўлиб, бу ўлкада қовунларнинг 400 дан зиёд навлари экилган. Бу қовунлар ўша пайтларда ўлка савдогарлари томонидан хорижий

⁵ Ахборотчи: Ҳамроқулов Абдужаббор Абдуназарович, 74 ёш, Наманган вилояти, Чорток тумани Гулшан шаҳарчаси, Сиҳатгоҳ кўчаси, 35-үй

давлатларга сотилган. Қовун экиб парваришилашни билмаган киши деҳқон ҳисобланмаган. Ҳар бир овулда ўзига яраша қовунчилик илми бўлган, ҳар бир уйда маҳсус қовун сақлайдиган хоналар бўлган.

Қовун турлари 3 га бўлинган: эртапишар, ўртапишар, кечпишар қовунлар. Эртапишар қовунларга гурвак (Мангит ва Гурланда уни “Олакка” ҳам дейишилади), ширинпачак, оқ новот, гулоби, озғин, ёзишак, бўрикалла каби қовунлар кирган. Элда кам харж оиласларга бир-икки арава қовун ушр-кавсан сифатида бепул берилган. Ёзниг охирларида қовун сайллари ўтказилган. Сайлда пишган қовунлар намойиш қилиниб, уларни одамлар мазза қилиб еганлар, куй-қўшиқлар ижро қилинган, масхарабоз ўйинлари, лапарлар ижро қилинган.

Қовун-қормиз пишган палла,

Ана, ёққанини танла.

Ширинпачак, бўрикалла,

Қовун сайлина галинглар.

Мазаси тилни ёради,

Е, ҳазликка оппоради,

Бири-бириннан саради,

Қовун емакка галинглар .

Қовун, қовун бол қовун,

Дўстим, келиб ол қовун.

Оқ новотма, олакка,

Келинглар-ай емакка

Қариқизнинг боли бор,

Бишакларнинг холи бор.

Полиз бошина галинг,

Ёққанин сайлаб олинг.

Зомчанинг мазаси бошқача,

Шираси етар қошгача.

Гулобини емабсан-ай,

Бу дунёга кемабсан-ай.⁶

Бугунги кунда Хоразмда қовуннинг 130 дан ортиқ навлари экилади.

Шулардан қишки қовун турларидан алиқамбар, қорабишак навларини қўп экилади.

⁶ Санобар Хўжамуротова, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, Мангит шаҳри, "Янгиобод маҳалласи, Амударё кўчаси 8-А уй

Жамоавий қовун сайли оилада ўтказиладиган тадбирлардан бир оз кенгрөк бўлиши билан ажралиб туради. Бундай тадбирлар борор ташкилот ёки маҳалла миқёсида ўтказилади. Ташкилот раҳбарлари қовун-тарвуз етиширадиган хўжаликлар ёки фермерлар билан келишган ҳолда полизларга сайллар уюштирадилар. Баъзан ташкилотнинг ўзига транспорт воситаларида қовун-тарвузлар олиб келинади. Тўкин дастурхон ёзилади, асосан, қовун-тарвузлар билан безатилган дастурхон атрофида фаҳрий меҳмонлар, ташкилот аъзолар жам бўладилар. Шу корхона ёки ташкилотда кўп йиллар меҳнат қилган фаҳрийларга совғалар тарқатилади. Қовун-тарвуз етиширган дехқон ҳақига дуо-фотиҳалар ўқилгандан сўнг ҳамма полиз маҳсулотларидан баҳраманд бўлади. Шу тадбир сўнгида ҳам кекса ва беморларга, қолаверса, оила аъзоларига насиба – қовун-тарвузлар тарқатилади.

Жамоавий қовун сайллари юқорида таъкидлаганимиздек, корхона, хўжаликлар миқёсида ташкил этилган. Бу ҳақида яна бир ахборотчимиз 78 ёшли меҳнат фаҳрийси Анвар ота Тожибоевнинг ҳиқояси қизиқарли. “Ёзнинг охирларида ҳали пахта йигим-терими бошланмасдан, қовун-тарвузлар ғарқ пишган паллада бригада дала шийпонларида қовун сайллари ўтказилар эди. Трактор працепида қовун пайкалдан олиб келинган қовун-тарвузлар тарқатилган. Катта қозонларда палов дамланган. Баъзан қўйлар сўйилганини ҳам эслайман. Пахта теримидан олдин ҳосил мўл бўлсин, деб дуо ҳам қилинар эди”⁷.

Расмий қовун сайллар ҳам ўз ҳудудига, миқёсига қараб ўтказилади. Туман, вилоят ва республика миқёсидаги тадбирларда мусобақа ташкил этилади. Янги навлар кўргазмаси ўтказилади. Фаол иштирок этганлар ғолиб бўлганлар тақдирланади. Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Ўзбек миллий сайлларидан бири бўлган қовун сайлини ўтказиш ареали кенгайиб, халқаро даражада нишонланмоқда. Хусусан, “Халқ сўзи” газетаси 2024 йил 14 июль сонида Россиянинг Красноярск шаҳрида биринчи марта халқаро қовун сайли тантанали равишда нишонланиб, “Қовун сайли” фестивали ташкил этилгани ҳақида хабар берилган .

Унда Красноярск ўлкасида узоқ йиллардан буён яшаб келаётган ватандошлар, санъат намояндлари, талабалар, маҳаллий ҳокимият ҳамда Красноярск ўзбеклари ҳудудий миллий-маданий автономияси вакиллари, шунингдек, ҳудудда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириб келаётган юртдошларимиз иштирок этди.

⁷ Ахборотчи: Тожибоев Анвар Баҳодирович, 78 ёш, Фарғона вилояти Риштон тумани, Зоҳидон қишлоғи, Фарғона кўчаси, 8-йй

Таъкидлаш керакки, “Қовун сайли” фестивали красноярскликлар ўртасида катта қизиқишига сабаб бўлди. Фестивалга ташриф буорганларга қовун, тарвуз ва ўзбек миллий таомлар улашилди.

Фестиваль доирасида, шунингдек, ўзбек миллий кураши бўйича мусобақа ҳам ўтказилди”.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, қадимдан нишонланиб келаётган анъанавий халқ сайллари, хусусан, қовун сайли ҳозирга келиб бутунлай янгича тарзда ташкил этилмоқди. Оилаларда ҳам, расмий равишда ҳам кенг нишонлаш анъанага айланмоқда. Бу йилдан қовун сайли халқаро миқёсда ҳам нишонланадиган бўлди. Зоро, халқимиз томонидан асарлар давомида ардоқлаб келаётган анъналаримизнинг хорижда нишонланаётгани тарихий аҳамиятга молик, десак, муболаға эмас. Юртимиз обрў-эътибори, маданияти ва маънавий қадриятлари худди кураш мусобақалари сингари чет элларда ҳам кенг ёйилаётгани ҳаммамизнинг фахримиз-ғуруримиздир.

Бундай халқчил анъаналарга бой сайлларимиз бутун дунё бўйлаб оммалашиб бориши юртимизнинг бой тарихи ва маданиятига нисбатан қизиқишининг ортишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: 2002. 45 – бет
2. Олим, Султонмурод. Байрамларимиз. “Маънаият”. – Тошкент: 2008. – 200 б.
3. Қорабоев, У. Ўзбек халқи байрамлари. / Масъул муҳаррир: С. ОЛИМ. “ШАРҚ” НМАК бош таҳририяти. – Тошкент: 2002. – 240 б.
4. “Халқ сўзи” газетаси. 2024 йил, 14 июнь.